

ТУРКИСТОНДА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ

Бурхонов Равшан Бурхонович¹

¹ Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети 2-босқич магистранти.
Электрон почта: prince.turan1@gmail.com
Телефон рақами: +998 (90) 125-07-09

МАҚОЛА
МА'ЛУМОТИ

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

*Received: 15.01.2025**Revised: 16.01.2025**Accepted: 17.01.2025*

КАЛИТ СЎЗЛАР:

*Жадидлар,
Туркистон, Исмоил
Гаспирали, янги усул,
мактаблар*

Ушбу мақола, XX асрнинг I чорагида жадид тараққийпарварлари томонидан амалга оширилган педагогик янгилıklar ва уларнинг ўлка ҳаёти учун келтирган фойдалари, жадид номоёндаларининг таълимни ривожлантиришидан кўзлаган мақсадлари, таълим ислохотларининг рус маъмурлари томонидан қай тарзда кутиб олинганлиги ҳақида муаллифнинг фикрларини баён қилади.

Ислом динининг Марказий Осиёда ёйилиши замирида, ушбу ҳудудга ислом маданияти ва илм-фан ютуқлари кириб кела бошлади. Бир неча асрлар давомида шаклланган маданият таъсирида Ўрта Осиё ҳудудларида исломий анъаналарга асосланган ўқитиш тизими жорий этилди ва ушбу тизим XIX аср сўнгига қадар сақланиб қолди. Анъанавий ўқитиш тизими жуда эски бўлиб, савод чиқариш учун узоқ вақт талаб этган. Ўрта асрларда илм ўрганувчилар дастлаб мактабда таҳсил олишгач, мадрасада ўқишини давом эттиришган. Мадрасада ўқиш 3 босқичдан иборат бўлган: адно – бошланғич, авсат – ўрта, аъло – юқори. Ҳар бир босқич маълум бир қўлланмаларни ўзлаштириб бўлгач тамомланган. Мадрасада ўқиш ўқувчининг иқтидорига қараб 7 йилдан 12 йилгача давом этган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда қўлланмалар араб ва форс тилларида бўлган, мадраса мударриси эса қўлланмаларни талабаларга туркийчада шарҳлаб берган. Таълим жараёнининг узоқ вақт талаб этилиши ҳамда мураккаблиги туфайли аҳолининг аксарият қисми илм олишдан мосуво бўлишган. XIX асрда ўлкани руслар босиб олгач, барча туркийлар ҳамда ўлка

мусулмонларининг тараққийпарвар қисми ўлкадаги таълим тизимини ўзгартиришга бел боғлаганлар. Дастлабки ҳаракатлар Бошқирдистонда Исмоилбек Гаспирали бошчилигида бошланган. Ғарб илм-фанда юксак марраларни забт этаётган бир пайтда, мусулмон Шарқи, хусусан, Марказий Осиё ҳали ҳам ўрта асрлардагидек яшаётган эди. Исмоил Гаспринскийнинг “усули жадидия” мактаблари бутун турк дунёсидаги илк жадин мактаби эди. Боғчасаройда ташкил топган янги мактаб энгил кироати ва тез савод чиқариши билан анъанавий мактаблардан фарқланиб турган. Янги усул мактаблари учун Исмоил Гаспринскийнинг ўзи ўқув дарсликлари ёзган, дарслар ўтган. Унинг амалга оширган таълим ислохотлари Туркистон ўлкаси мутафаккирларига туртки бўлиб хизмат қилди. Шу сабабли Туркистоннинг тараққийпарвар зиёлилари Исмоил Гаспринский яратган мактаблар сигари таълим даргоҳларини ташкил этмоқни мақсад қилиб олдилар. Ўлкани жаҳолатдан олиб чиқишдек улкан ишни дастлаб Мунавварқори Абдурашидхонов ўз елкасига олди.

“Мунаввар қори сўнгги 3 аср давомида вужудга келган, рус истибдоди туфайли янада чуқурлашган маданият таназзули ҳосиласи бўлмиш миллий жаҳолат ва ғафлатни йўқотиш учун биринчи навбатда маорифни қайта ташкил этиш ишига киришди. Мунаввар қори Абдурашидхонов 1901-1904-йилларда Қиримлик дўсти раис Кишод ёрдамида Тошкентда ўз ҳовлисида “усули савтия” мактабини очди. Бундай мактаблар тармоғини кенг қулоқ ёйдиришда қалдирғоч бўлган унинг “Намуна” мактаби катта шуҳрат қозондики, мустамлака маъмурияти ҳам ундан ташвишга тушди”. [1]

Ўлкани тўлиқ назоратга олишни истаган рус маъмурлари маҳаллий аҳолини рус маданияти билан таништириш орқали уларда мустамлакачи халққа нисбатан кўрқув ҳиссини уйғотишни кўзда тутган эди. Шу сабабли бутун ўлка бўйлаб рус-тузем мактаблари тармоғини очдилар. Айна дамда ўлкада рус-тузем мактабига рақобатдош бўлган мактабларнинг юзага келиши албатта рус маъмурларнинг ғашига тегар, бир мунча кўрқитар ҳам эди. Чунки билимли ва тараққийпарвар миллатни босиб олиш мумкин, аммо уларни қул қилиб бўлмаслигини, ана шундай халқ устидан мутлак назорат ўрнатишнинг иложи йўқлигини рус маъмурлари яхши англари эди. Империя Ички ишлар вазирлиги ўлкада фаолият юритаётган Н.Остраумовга 1900 йил 31 декабрда жўнатган кўрсатмасида ўлкада маориф ишларини олиб бораётган, матбуотда бу ҳақида турли мақолалар эълон қилаётган ҳамда мактаблар очаетган шахслар ҳақида баътафсил маълумот йиғиш талабини қўйган эди.

Жадид намоёндалари тазйикларга қарамасдан ўлкада маориф ишларини кенг ёйиш билан шуғулландилар. Уларнинг асарларида, мақолаларида, ҳаракатларида ҳам ўлка мусулмонларини жаҳон цивилизациясидан ортда қолмасликлари учун ҳаракат қилаётганликлари сезилиб турар эди. Хусусан, “Тараққий” газетининг 1-2-сонларида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Бизнинг жаҳолат жаҳли мураккаб” номли мақоласи эълон қилинади.

“Эй ватандошлар! Диққат назари ила боқинг! Бир болани мактабга бермакдан мақсуди вожибот диниямиз ўлғон илми қироат, масойили эътиқодия, фарз, вожиб, суннат мустахаб, ҳаром, макрух, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларни ҳам заруроти дунявиямиз ўлғон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан, «Тарихи Ислом» каби фойдалиқ илмларни билдурмоқ ўлғон ҳолда жоҳил домлаларнинг «таълими фалоний, қоши қаро, қаро кўзи, қаро юзи, оҳ, сўзи ширин», деб болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш”. [2]

Ушбу мақолада болаларни мактабга бермоқликнинг асосий сабаби ислом дини ақидасини ўрганиш эмас, балки шу билан биргалиқда дунёвий илмларни ҳам ўрганиш ва улар орқали ўқувчилар дунёқарашини шакллантириш асосий сабаб эканлиги такидланган. Мақола XX аср Туркистон маорифининг қай аҳволда эканлиги, ўқитувчи ва муаллимларнинг етарлича билимга эга эмаслиги, ота-оналарнинг мактабга боласини бермоқликдан асосий сабаб “тезлик ила нақд ва насия ёзмоқни ўргатиб бер”иш эканлиги ёритиб берилган. Бундан ташқари мақолада ўлка мактабларида дунёвий илмларни ўқитиш учун етарлича дарсликлар йўқлиги ҳам такидланган.

Жадидлар “усули савтия” мактабларини ташкил этишгач, ана шу мактаблар учун дарсликлар ҳам тайёрладилар. Жумладан, Саидрасул Саидазизов "Устои аввал" (1902), Бехбудий "Рисолайи асбоби савод" (1904), "Рисолайи жуғрофия умроний" (1905), Мунаввар қори "Адиби аввал", "Адиби соний" (1907), Абдулвоҳид Бурҳонов "Раҳбари хат" (1908), Авлоний "Биринчи муаллим" (1910), "Иккинчи муаллим" (1912), Рустамбек Юсуфбек ўғли "Таълими аввал", А.Ибодиев "Таҳсил ул-алифбо" дарсликларини ёзиб нашр этишди. Бухорода жадидлар томонидан 1908 йилда “Бухоройи шариф ширкати” тузилиб, дарсликлар ва китоблар нашри билан кенг миқёсда шуғулланиш бошланди. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Адиби соний” дарслигидан ўрин олган ҳикоятлар болаларни фикрлашга чорлаган. Жумладан, “Арасту ва Искандар” ҳикоятида ҳам хулоса чиқариш болаларнинг ўзига

қолдирилган. Бундай усул орқали болаларда таҳлилий ёндашув ва ижодкорлик хусусиятларини шакллантириш мақсад қилиб олинган эди.

Нафақат, дарсликлар балки саҳна асарлари орқали ҳам илмсизликнинг, жаҳолатнинг салбий оқибатлари очиб берилган. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий қаламига мансуб “Падаркуш” драммаси ўқимаган, билимсиз ўғилнинг қабих ишларини ёритиб бериш мақсадида ёзилган бўлсада, асарнинг туб маъноси халқни марифатли бўлишга чорлашдан иборат. Адиб ўз ғоясини асарда айрим образлар орқали ёритиб берган.

“Бизларни хонавайрон... беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдир, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақирлик, зарурат ва хорликлар... ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир...” [3]

Жадидлар амалдаги педагогик фаолиятнинг фойдадан кўра зарари кўплигини ўз мақолалари орқали кескин очиб берганлар. Чунончи, мактабда болаларга ўргатилаётган Фузулий, Навоий, Бедил ғазаллари тасаввуф таълимотига асосланганлиги туфайли асарларни ёш болалар тўғридан тўғри қабул қила оладилар. Ушбу асарлардаги илоҳий ишқни эса англаб етмоқликка қурбилари етмаслигини очик ойдин айта олганлар. Айни ўринда Навоий, Фузулий, Бедил асарларнинг зоҳирий маънолари шариатга зид эканлиги, ботиний маъносини тушуниш қийинлиги такидланган.

Ўлкада янги усул мактабдорлиги билан шуғулланиш ҳам радикал диндорлар томонидан, ҳам ҳукумрон доирлар томонидан тазйиққа учрагач. Жадидлар ўз мактабларини рус маъмурлари томонидан рўйхатдан ўтказиш кераклиги ва шу тариқа ҳар хил ҳужумлардан ҳимояланиш мумкинлигини мактабдорларга тушунтириб берганлар. “Ойина” журналининг 1914 йилги 30 сонидан Маҳмудхўжа Бехбудий “Мактабларга рухсат олмоқ тариқаси” сарлавҳали мақоласини эълон қилган. Мақолада ёзилишича мактабларни рўйхатдан ўтказиш учун ўша даврда қуйидаги маълумотлар киритилган ариза зарур бўлган: 1. Мактаб номи ва очиладиган жойи; 2. Ўқитиладиган фанлар рўйхати; 3. Мактабни молиялаштириш ҳақида маълумот; 4. Мактабдорнинг билим даражаси ҳақидаги маълумот. Шу маълумотлар жойлаширилган ариза пристав участка нозирага йўлланган.

Хўш, жадидлар тарғиб қилган янги усул мактаблари қай шаклда фаолият олиб борар эди? Жадидлар ташкил этган мактабларнинг анъанавий мактаблардан энг биринчи фарқи болага таълим яқка тартибда эмас, синфхоналарда берилиши бўлди. Синфхоналарда глобус, харита каби кўргазма материаллари пайдо бўла бошлади.

Мақтаблар асосан 1-4-синфларни ўз ичига қамраб олган. Дарсликларда асосан дунёвий билимлар берилган. 1913-1914 йиллардан бошлаб юқори (5-6-синфлар) синфларда дарс бериш йўлга қўйила бошланди. Мақтаблар учун махсус бинолар қурилмаган. Аксарият ҳолларда мақтаблар ўқитувчининг уйида, айрим бўш биноларда ва баъзи шахсларнинг ташқи ҳовлиларида жойлашган. Ўлка тарихида илк бор дарсларнинг танаффуслар оралиғи билан ажралиши, 5 баллик баҳолаш тизими, ёзги таътилларнинг жорий этилиши айнан янги усул мақтаблари билан боғлиқ.

Айни шу даврларда ўлкада 4 хилдаги мақтаблар фаолият юритаётган эди: эски усул, усули савтия, усули жадида ва рус-тузем мақтаблари. Усули савтия ва усули жадида мақтабларнинг фарқи шундаки, “Усули савтия” билим бериш вазифасидан кўра пул топишни ўзларига касб қилиб олганлигида ва билим бериш савиясининг жуда ҳам паст эканлигида эди. Бу ҳақида “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йилда чоп этилган 1 сониди “мақтаб дўсти” имзоси билан чоп этилган “Туркистон мақтаблари” номли мақолада баътафсил танишиш мумкин.

Ўлкада янги усул мақтабларига талаб ва уларнинг жадид номоёндалари томонидан кенг тарзда қўллаб-қувватланиши ўлкага рус мустамлакасининг тасири остида саноатнинг янги тармоқлари кириб келиши бўлди. Чунки, ушбу саноат тармоқларини бошқариш учун кадрлар зарур эди. Ўлкадаги мавжуд таълим тизими эса малакали кадрларни етказиб беришга қодир эмасди. Шу сабабли жадидлар ўлкадаги энг иқтидорли ёшларни хорижда таҳсил олиш учун бирин-кетин жўната бошлашди.

“Улар, биринчи навбатда, ўша даврда Ғарбий Европада энг тараққий этган мамлакат - Германия эришган ютуқ ва тажрибаларни ўрганишни зарур деб ҳисобладилар. Бунинг учун аввало маҳаллий ёшларни Германияга, шунингдек, Шарқ ва Ғарбдаги бошқа илғор мамлакатларга юбориш, улар ёрдамида бу мамлакатларда эришилган илмий-техник ютуқ ва тажрибалар билан танишиш, шу асосда ўлкани иқтисодий ва маданий қолоқликдан қутқариш мумкин эди. Бу фавқулодда муқим ва мураккаб лойиҳани амалга ошириш учун эса, биринчидан, маблағ топиш, иккинчидан, истеъдодли ёш йигит ва қизларни танлаш, учинчидан, бу йигит ва қизларнинг ота-оналаридан рухсат олиш лозим эди. Туркистондан турли йўллар (ҳукумат тарафидан, «Кўмак» уюшмаси ёрдамида ёки хусусий йўллар) билан хорижга талабалар юбориш ҳаракатлари бошланди”. [4]

Кўриб турганингиздек ўлкадаги биргина маориф тизими бутун ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига таъсир ўтказибгина қолмай, айни дамда орқага ҳам тортмоқда эди. Шу сабабли жадидлар томонидан педогогика тизими тубдан ислоҳ

қилинди. Гарчи жади́длар томонидан мақсад қилинган ислохотлар амалга оширилмай қолган бўлса-да айрим жабҳаларда бир неча асрлар давомида қилинмаган ишларни амалга оширишга эришилди. Жади́длар кашф этган иқтидор соҳиблари эса XX асрнинг таниқли шахсларига айланишди ва уларнинг илмий мероси жаҳон ҳамжамиятига бирдек хизмат қилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 2000-йил. 260-бет.
2. Мунаввар қори Абдурашидхонов “Бизнинг жаҳолат жаҳли мураккаб”. “Тараққий” газетаси, 1906-йил, 14-июн
3. Маҳмудхўжа Бехбудий “Танланган асарлари”. Тошкент “Маънавият”. 1999-йил. 49-бет.
4. Шерали Турдиев “Улар Германияда ўқиган эдилар”. Тошкент. 2006-йил. 9-бет.
5. Кенжабаев, Ш. А. (1998). История обучения иностранному языку в общеобразовательной школе южных областей Узбекистана (Сурхандарьинская и Кашкардарьинская области) и пути его совершенствования на современном этапе.
6. Abdulxalimovich, K. S. (2024). VETERINARIYA YO ‘NALISHIDAGI TALABALARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA INGLIZ TILINI O ‘QITISH TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 39(2), 77-81.
7. Abdulxalimovich, K. S. (2024). VETERINARIYA YO ‘NALISHIDAGI TALABALARNING KASBIY KOMPITENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA INGLIZ TILINI O ‘QITISHNING TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY-NAZARIY PEDAGOGIK ASOSLARI. Journal of new century innovations, 46(3), 119-126.
8. Abdulkhalimovich, K. S. (2024). SCIENTIFIC-THEORETICAL PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF IMPROVING THE TECHNOLOGIES OF TEACHING ENGLISH IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF STUDENTS IN THE VETERINARY DIRECTION. Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods, 2(2), 22-28.
9. Кенжабоев, Ш. А. (2023). ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В ФОРМИРОВАНИИ

ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ-ВЕТЕРИНАРОВ. Лучшие интеллектуальные исследования, 9(3), 103-113.

10. Kenjaboev, Ш. А. (2023). ОСОБЕННОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ-ВЕТЕРИНАРОВ. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 17, 177-183.

11. Nishonov, M., & Kenjaboev, S. (2023). THE SIGNIFICANCE OF THE USE OF CHEMICAL EXPERIMENTS IN THE STUDY OF THE TOPIC " PATTERNS OF CHEMICAL REACTIONS". Science and innovation, 2(B5), 53-56.

12. Kenjaboev, S. (2023). FEATURES OF TEACHING ENGLISH IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B7), 166-170.

13. Kenjaboev, S. (2023). THE PROBLEM AND SOLUTION OF USING ENGLISH LANGUAGE TEACHING TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B7), 159-165.

